

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

Жиззах шахри

2023 йил 21 июнь

Жиззах вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати [REDACTED] раислигида, ҳайъат аъзолари [REDACTED] ва [REDACTED] дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, даъвогар Давлат божхона кўмитаси Миллий кинология маркази вакиллари [REDACTED], [REDACTED] (2023 йил 11 апрелдаги 26/4-23-0214-сонли ишончнома асосида), жавобгар “[REDACTED]” МЧЖ вакиллари [REDACTED] (2023 йил 12 январдаги рақамсиз ишончномага асосан), [REDACTED] иштирокида, даъвогар Давлат божхона кўмитаси Миллий кинология маркази томонидан Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди кўмагида Жиззах вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати жойлашган бинода видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

даъвогар Давлат божхона кўмитаси Миллий кинология маркази (бундан буён матнда “даъвогар” деб юритилади) ва жавобгар “[REDACTED]” МЧЖ (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) ўртасида 2022 йил 15 сентябрда 16328/2022-сонли пудрат шартномаси тузилган.

Шартноманинг 2-бандига кўра, “Пудратчи” (жавобгар) мазкур шартнома шартларига мувофиқ Миллий кинология маркази “Назорат-ўтказиш пункти, Ветеринария хизмати ва Хизмат итлари питомниги биноларини капитал таъмирлаш ҳамда ҳудудни олд томондан ўраб турувчи 710 метр деворни янгилаш ва ички йўлларга асфальт ётқизиш ишларини амалга ошириш” ишларини бажариш мажбуриятини, “Буюртмачи”(даъвогар) эса “Пудратчи” (жавобгар)га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Ушбу шартноманинг 12-бандига кўра, тендер савдолари натижаси бўйича қурилишнинг давом этиш вақти шартнома имзоланган кундан 63 кунни ташкил этиши, 8-бандига кўра, “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоизидан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулк жавоб бериши, 60-бандига биноан, “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлик учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи



миқдорида пеня тўлаши, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги кераклиги, шунингдек ушбу банднинг иккинчи қисмига кўра, “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун “Пудратчи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлаши белгиланган.

Шартноманинг 9-банди тўртинчи хатбошига асосан молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш назарда тутилган.

Мазкур шартномага асосан тасдиқланган 2-иловага кўра объект бўйича молиялаштириш жадвалига биноан 30 фоизлик аванс ҳисобидан 2022 йилнинг сентябрь ойида объект қиймати, яъни 7 480 789 039,10 сўмнинг 15 фоизи 1 122 118 355,87 сўмни, 2022 йилнинг октябрь ойида объект қийматининг 15 фоизи, яъни 1 122 118 355,87 сўмни, бажарилган ишлар ҳисобидан 65 фоизгача тўлов 2022 йилнинг сентябрь ойида 1 700 000 000 сўмни, октябрь ойида 2 100 000 000 сўмни ва ноябрь ойида 1 062 512 875,36 сўмни, шунингдек 5 фоизлик кафолат суммаси 2023 йил ноябрь ойида 374 039 452 сўмни ташкил этган.

Мазкур шартнома ижроси юзасидан даъвогар томонидан жавобгарнинг ҳисоб рақамига 2022 йил 8 ноябрдаги 147-сонли тўлов топшириқномасига асосан шартнома бўйича олдиндан 15 фоиз тўлов учун 1 122 118 355,87 сўм, 2022 йил 23 ноябрдаги 164-сонли тўлов топшириқномасига асосан 2022 йил 17 ноябрдаги 1-сонли ҳисоб-фактура ва бажарилган иш далолатномасига асосан 80 фоиз тўлов учун 939 257 942,40 сўм ҳамда 2022 йил 9 декабрдаги 180-сонли тўлов топшириқномасига 2022 йил 7 декабрдаги 2-сонли ҳисоб-фактура ва бажарилган иш далолатномасига асосан 80 фоиз тўлов учун 771 901 159,20 сўм пул маблағлари ўтказиб берилган.

Бироқ, жавобгар шартнома бўйича мажбуриятларини шартномада белгиланган муддат давомида бажармаганлиги сабабли, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2022 йил 30 декабрда 2022 йил 15 сентябрдаги 16328/2022-сонли шартномага 1-сонли қўшимча келишув тузилиб, унга кўра шартноманинг 12-банди “қурилишнинг давом этиш вақти шартнома имзоланган кундан 63 кунни ташкил этади” сўзлари “қурилиш 2023 йил 15 январь кунига қадар давом этади” сўзлари билан алмаштирилган бўлса, тарафлар ўртасидаги 2023 йил 14 январдаги 2-сонли қўшимча келишув билан шартноманинг 12-банди “қурилиш 2023 йил 15 январь кунига қадар давом этади” сўзлари “қурилиш 2023 йил 31 март кунига қадар давом этади” сўзлари билан алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси учинчи хатбошисига кўра, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланган бўлса-да, тарафлар ўртасида тузилган қўшимча келишувлар тегишли тартибда ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтмаган.



Натижада даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан шартнома талаблари бўйича мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини тўлиқ бажариш бўйича зиммасига мажбурият юклаш ҳамда жавобгар томонидан шартнома талабларини бажармаганлиги бўйича ҳисобланган 1 976 480 859,98 сўм пеня суммасини шартнома доирасида бажарилиши лозим бўлган иш якуни бўйича жами тўлаб бериладиган маблағдан чегириб ташлаб, ҳисоб-китоб қилиш бўйича мажбурият юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2023 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантирилиш рад этилиб, даъвогар Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказидан республика бюджетига 6.000.000 сўм давлат божи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 75 000 сўм суд харажати ундирилган ҳамда олдиндан тўланган 30 000 сўм суд почта харажати даъвогар зиммасида қолдирилган.

Апелляция шикоятда биринчи инстанция судининг 2023 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарорини ўзгартириб, даъвогар Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказидан республика бюджетига 6.000.000 сўм давлат божи ундириш қисмини бекор қилишни, жавобгар “[REDACTED]” МЧЖдан 30.000 сўм почта харажатини даъвогар фойдасига ундириб бериш сўралган.

Суд мажлисида ўз хизмат хонаси орқали иштирок этган даъвогар вакиллари биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг фақат давлат божи ва почта харажати ундируви қисмидан норози эканлигини маълум қилиб, апелляция шикоятини қаноатлантиришни сўрашди.

Суд мажлисида жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди биносидан видеоконференцалоқа режими орқали иштирок этган жавобгар вакиллари суддан қонуний қарор қабул қилишни сўрашди.

Судлов ҳайъати, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, апелляция шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини ўзгартиришни, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг жавобгарга нисбатан шартнома талаблари бўйича мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини тўлиқ бажариш бўйича зиммасига мажбурият юклаш ва жавобгар томонидан шартнома талабларини бажармаганлиги бўйича ҳисобланган 1 976 480 859,98 сўм пеня суммасини шартнома доирасида бажарилиши лозим бўлган иш якуни бўйича жами тўлаб бериладиган маблағдан чегириб ташлаб, ҳисоб-китоб қилиш бўйича мажбурият юклаш тўғрисидаги талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қонуний тўхтамга келган бўлсада, бироқ давлат божини ундиришда хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, божхона постлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, шунингдек Миллий кинология маркази божхона органларидир.



Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддаси биринчи қисми 12-бандида давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича иқтисодий судларга аризалар берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 66-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади. Мазкур Кодекснинг 74-моддасига кўра, суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Шу боис, биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунларига асосан Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказидан давлат божи ундирмаслиги лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 278-моддаси биринчи бандига кўра, апелляция инстанцияси суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақли.

Баён этилганларга асосланиб, судлов ҳайъати апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни, Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни, ҳал қилув қарорининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Миллий кинология марказидан Республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 6.000.000 сўм давлат божи ундирилсин” қисмини бекор қилишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, даъвогардан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 82.500 сўм суд харажати ундиришни, апелляция инстанцияси учун олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажатини даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118, 260, 274, 276, 278 ва 280-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л а д и:

Апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Миллий кинология марказидан Республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини



ривожлантириш жамғармасига 6.000.000 сўм давлат божи ундирилсин” қисми бекор қилинсин.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Даъвогар Божхона қўмитаси Миллий кинология марказидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 82 500 сўм суд харажати ундирилсин.

Қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Мазкур қарор устидан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация шикояти (протести) берилиши мумкин.

Раислик этувчи:

██████████

судьялар:

██████████

██████████

